



Al-Hidayat Journal

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 мартдан чиқа бошлаган.



Муҳим саналар

№ 10 (723) 31.05.2023 | ۱۱.۱۱.۱۴۴۴

Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлиги фазилати

Аллоҳнинг фазли ва раҳмати мўл-кўл ёғиладиган тоат-ибодат мавсумларидан бири

Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигидир. Бу муборак кунлар ҳар бир мўмин-мусулмон учун кўпроқ солиҳ амаллар қилиб, Аллоҳга янада яқинлашиш учун яхши имкониятдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бу кунларнинг дунёдаги энг фазилатли айём эканини билдириб, унда солиҳ амаллар қилиб қолишга тарғиб қилганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ учун ушбу ўн кунликда қилинадиган солиҳ амаллардан кўра севимлироқ амал йўқ”**, дедилар. Шунда: **“Ё Расулulloҳ, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилишдан ҳамми?”** деб сўралди. У зот:

“Ҳа, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилишдан ҳам”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган бошқа ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ учун ибодат қилинишга Зулҳижжанинги ўн кундан севимлироқ кунлар йўқ. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзага, ҳар тундаги ибодат Қадр кечасидаги ибодатга тенгдир”**, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Шунингдек, Арафа куни рўза тутиш мустаҳаб амаллардандир. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги бир йил ва ундан кейинги бир йиллик гуноҳларга**

каффорат бўлишини Аллоҳдан умид қиламан”, деб марҳамат қилганлар (Имом Муслим ривояти).

Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигида мўмин-мусулмонлар солиҳ амалларга бошқа ойлardan кўра кўпроқ тарғиб қилинганларининг ҳикмати – бу кунларда яхши амаллар Аллоҳ учун янада севимлироқ бўлганидандир. Бу ойнинг аввалги ўн кунда ҳожилар ҳаж амалларини бажараётган бўладилар. Кунларнинг энг улуғи Арафа ва Қурбон ҳайити ҳам айнан шу ўн кунлик ичидадир. Эҳтимол, шу тўғрисида бу кунларда қилинган амаллар Аллоҳга энг маҳбубдир.

Даврон НУРМУҲАММАД,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Матбуот ва ахборот таҳлил бўлими
мутахассиси

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 6–8 май кунлари «Вақф» хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти филиали Ангрен, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида 250 нафар имконияти чекланган юртдошимиз учун “Сиз бизга кераксиз!” тадбирини ўтказди.

✓ 7 май куни Данғара туманидаги “Орзиқул бува” жоме масжидининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ 9–11 май. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Уйғун Ғофуров Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган “Диний эркинликдан диний масъулият сари: қўллаб-қувватлаш ва ҳаракат ҳамжамиятларини қуриш” номли халқаро анжуманда қатнашиб, Мусулмон уламолари халқаро уюшмаси Бош котиби Шайх Али Муҳйиддин Қородоғий билан учрашди.

✓ 10 май. Диний кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ вакиллари иштирокида Бухоро шаҳридаги имом-хатиблар ва имом-ноиблар учун “Исломда бола ҳуқуқлари” мавзусида икки кунлик семинар ўтказилди.

✓ 11 май. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги “Ал-Бадр” жоме масжидининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг “Фитна – кўз илғамас хатар” номли китоби чоп этилди.

✓ 12–13 май кунлари Тошкент ислом институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси Абдулазим Зиёуддин, кафедра ўқитувчиси Баҳодир Аъзамовлар “Муҳаммад ал-Беруний”, “Фахриддин ар-Розий”, “Мир Араб” олий ва “Мир Араб” ўрта махсус ҳамда “Жўйбори калон” аёл-қизлар мадрасаларига сафар уюштириб илмий суҳбатлар ўтказишди. Илмий суҳбат асносида “Нурул яқин” ва “Нурул басар” китобларининг таржима ва табдили бўйича мўъжаз тақдимот ҳам бўлиб ўтди.

✓ 15 май куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакиллиги ташаббуси билан “Sam Sherin 786” компанияси ҳомийлигида вилоятда яшаб ўтган уламоларни хотирлаш, ҳозир хизмат қилиб турган фахрий устозларни кадрлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тафсир

Аср сураси Маккада нозил бўлган. Уч оятдан иборат. У Қуръони каримнинг энг қисқа сураларидан бўлса-да, жуда кенг маънога эга. Имом Шофеъий: “Агар инсонлар бу сурани тушунганларида, шунинг ўзи уларга кифоя қилар эди”, деган.

Ушбу сурада Исломнинг энг муҳим асоси ва инсоний ҳаёт дастури баён этилган. Унда ҳақиқий бахт-саодатга эришиш учун тўрт нарсага – иймон, эзгу амал, тўғри йўлда юриш ва шу йўлда чекиладиган машаққатларга сабр қилиш таъкидланади.

«**Асрга қасам!**» «Аср» сўзи араб тилида бир неча мазмунга далолат қилади: аср намози, ҳар юз йиллик, Пайғамбаримиз алайҳиссалом яшаган давр...

Аллоҳ таоло вақтнинг аҳамиятини баён қилиб, Маккада нозил қилган сураларининг муайян

Аср сураси

қисмларида, бир неча сураларнинг эса бошларида вақтга қасам ичади. Фажр, Лайл, Зуҳо, Аср суралари шулар жумласидан.

Аллоҳ Ўзи яратган нарсаларидан бирининг номи билан қасам ичса, бу ҳолат ё ҳодисага инсонларнинг диққатини қаратиш ҳамда қасам ичилган нарсанинг қадри ва манфати буюклигини билдиришдан иборат бўлади.

Пайғамбаримиз суннатларида ҳам вақт қиймати алоҳида таъкидланади ва уни Аллоҳ олдида қиймат кунда инсон бўйнидаги бир масъулият экани тасдиқлаб ўтилган. Ҳатто ҳисоб-китоб кунда ҳам бандаларга бериладиган асосий тўртта саволдан иккитаси вақт ҳақидадир. Бу ҳақда Муоз ибн Жабал розияллоҳу

анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Банда қиймат кунни тўрт нарсадан сўралмагунча, бир қадам ҳам олдинга силжий олмайди. Бу саволлардан биринчиси, умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси, ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани; учинчиси, молдунёни қай йўсинда (қайси касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси, ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади”** (Имом Табароний ривояти).

Имом Фахриддин Розий айтади: “Аллоҳ таолонинг аср билан, яъни вақт билан қасам ичиши, унда ажойиботлар бўлгани учундир. Чунки хурсандлик ҳам, хафалик ҳам, саломатлик ҳам, беморлик ҳам, бойлик ҳам, фақирлик ҳам – барчаси вақт жараёнида ҳосил бўлади. Ўтаётган умрни бирор бойлик билан баҳолаб бўлмайди”.

2-бетда

1-бетда

«Инсон, албатта, зиён-бахтсизликдадир».

Аллоҳ азза ва жалла замонга қасам келтириб, ушбуларни баён этади: инсон ҳасратда, ҳалокатда, зиёндадир. Аммо улар орасида истисно қилинган яхшилари ҳам бор. Демак, инсон ҳасрат-надоматда қолмаслиги учун фойдали ишларга, солиҳ амалларга машғул бўлиши керак. Акс ҳолда охиратда унинг ҳолати жуда оғир кечиши мумкин.

Аллоҳ таоло Қуръони карим оятларида қиёмат кунисидаги ҳолатни тавсифлаб, унга тайёргарлик кўришга ундайди. Ҳаж сура-сида бундай дейди: **“Одамларни маст ҳолда кўрарсан. Ҳолбуки, улар маст эмас. Аллоҳнинг азоби шиддатлидир”.**

Яъни, қаттиқ кўрққан одамлар эс-хушларини йўқотиб, худди маст одамларга ўхшаб қолишади. Чунки Аллоҳнинг азоби ўта шиддатли ва қаттиқ эканини кўрган ҳар бир банданинг эс-хуши учади. Қиёмат куниси даҳшати шунчалик кучлики, ҳар бир одам, ким бўлишидан қатъи назар, фақат ўзини ўйлаб қолади. Ака-ука ҳам, ота-она ҳам, бола-чақа ҳам ёдга келмай қолади.

Аср сураси

Аср сурасининг 3-оятисида нажот толувчи тоифанинг сифатлари баён қилинади: **«Фақат иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига ҳақиқатпарвар бўлишни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина бундан мустаснодирлар».**

Имом Замахшарий айтади: “Аллоҳ таолога иймон келтириш Унинг амрига бўйсуниб, китоблари ва элчиларига эргашиш, дунёга эмас, охиратга рағбат кўрсатишдир”.

“Сабрга ундаш” Аллоҳ таолонинг тоатида, гуноҳлардан тийилишга, мусибат ва машаққатларга сабр қилишга чақиришдир.

Имом Розий раҳимахуллоҳ айтади: “Ҳақ ва тўғри йўлда юришнинг ўзига яраша юки, машаққатли бор. Шунинг учун оятда инсонлар ўзаро бир-бирларини сабрга ундашлари кераклиги уқтирилмоқда”.

Юқоридаги оятлардан маълум бўладики, инсон икки дунёда бахтсаодатли бўлиши ва зиёнкорлардан

бўлиб қолмаслиги учун куйидаги тўртта сифатга эга бўлиши керак: Аллоҳга иймон келтириш, солиҳ амаллар қилиш, тўғри йўлда бўлиш, сабрли бўлиш ва сабрга чақириш.

Дарҳақиқат, инсон комил иймон эгасига айланса, у доимо ўз соҳибини солиҳ амалга чорлайди. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда иймондан сўнг амали солиҳ зикр қилинади. Солиҳ амал Аллоҳ буюрган барча яхшиликлардир.

Шунингдек, мусулмон инсон атрофдагиларга доим яхшилик улашувчи бўлади. Ҳадиси шарифларда мусулмон ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқалар учун ҳам раво кўриши иймон комиллигининг аломати сифатида кўрсатилган. Шунинг учун солиҳ амалларнинг дунё ва охиратдаги яхшиликларини англаган кишилар бошқаларни ҳам солиҳ амаллар қилишга, ҳақ узра яшашга чақиришлари керак.

Бироқ солиҳ амал қилиш учун ҳам, бошқаларни яхшиликка чақириш учун ҳам сабр керак. Ҳар ким ҳар хил тушунчага эга бўлади. Бу нарсада унга турли озорлар етиши

мумкин. Сабр бир неча хил бўлади: тоат-ибодатни адо этишдаги сабр, ҳавойи нафс хоҳлаб турган гуноҳлардан тийилишдаги сабр, бало-офат ва мусибатларга сабр қилиш.

Буларнинг барчасида инсонлар бир-бирига далда бўлишлари, бир-бирларига насиҳат қилишлари лозим. Шунда инсонга сабр қилиш осонроқ кечади. Шу боис оятнинг охирида сабрга ундов бор.

Шунинг учун ҳам Аср билан Аллоҳ таоло қасамёд этиб, сурада баён этилган тўрт хислатдан маҳрумликда яшаган инсоннинг бутун умри зиёнкорлик ва бахтсизликда ўтгандир, деб таъкидлайди.

Демак, ҳар бир инсон ўзининг қисқа муддатли дунё ҳаётида имкон қадар Раббисига тоат-ибодат қилиши баробарида ўзгаларни ҳам ҳаққа – тўғри йўлга чақириб, бу йўлдаги қийинчиликларга сабр қилиши керак. Зеро, ўзгаларни яхшиликка ундаш ҳамда уларни ёмонликлардан қайтариш билан жамият ислоҳ бўлади.

Ҳабибуллоҳ Жўрабоев,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази мутахассиси

Ақида

Аҳли сунна вал жамоа айтади: «Рўза, намоз, закот ва бошқа фарз амаллар ўз вақтидан ўтиб кетса, уларнинг қазосини ўташ вожиб. Вақти ўтиб кетган амални вақтидан сўнг ўташ қазо дейилади. Вақтида адо этилмаган фарз амаллар қазоси ўталмаса, зиммадан соқит бўлмайди. Қазоси ўталган амал ўз вақтида адо этилган амал кабилдир. Пайғамбар алайҳиссалом марҳамат қилганлар: **“Ким бирор**

Қазо ва адо ҳақида

намоздан ухлаб қолса ёки уни унутиб қўйса, уни эслаган вақтда қазо қилиб ўқиб олсин. Албатта, мана шу (вақт) унинг вақтидир” (Имом Абу Довуд ва Имом Насоий ривояти).

Мўътазиллийлар айтади: “Қазо – мустақил ҳолда собит бўладиган алоҳида ибодат ва ҳукмдир. Вақти ўтиб кетган фарз амаллар қазоси ўталса-да, банда зиммасидан

соқит бўлмайди. Қазо аслнинг бадали эмас”.

Мўътазиллийларнинг гапи тўғри эмас. Чунки қазо адонинг бадалидир. Бунга далил шуки, агар банда фарзни ўз вақтида адо қилса, қазоси унга вожиб бўлмайди. Агар қазо алоҳида ҳукм бўлганида, ҳам адо, ҳам қазо вожиб бўлар эди. Бомдод намози қазо бўлганида Набий

алайҳиссалом бомдодни ўз вақтида адо этилиши сифатида қазо қилиб ўқидилар. Бу қазо адодан бадал эканига далолат қилади.

Соатмурод ПРИМОВ,
Имом Бухорий номидидаги
Тошкент ислом институти
илмий ишлар ва фан бўйича проректори

Фикҳ

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайр қилувчиларга ҳалол қилинди. Модомики, эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг»** (Моида сураси, 96-оят).

«Денгиз ови»дан мурод балиқдир. «...унинг таоми»дан мурод денгиз тўлқини билан қуруқликка чиқариб ташланган ўлик балиқдир. Агар балиқ сув ичида ҳеч қандай ташқи таъсирсиз ўлиб қолса, уни еб бўлмайди. Чунки у бирор зарарли нарса таъсирида ўлган бўлади. Ўзи ўлган ҳайвонларни еб бўлмаслик ҳақида бир неча ҳадиси шарифлар келган. Ҳанафий мазҳаби уламолари наздида сув ҳайвонларидан балиқдан бошқаси ҳалол эмас.

Сув ҳайвонлари, сувдаги ўлимтикларга доир ҳукмлар

Мастоний “Доиратул маориф” китобида балиққа бундай таъриф берилган: “Балиқ сув ҳайвони бўлиб, умуртқали ҳайвонларнинг энг куйи қисмида туради. Қони қизил, ойқулоқ (жабра) орқали нафас олади ва бошқа умуртқали ҳайвонлар каби жуссаси катта бўлади”.

Абу Ҳурайра розияллоху анху айтади: «Баҳрайнда бўлганимда баҳрайниклар мендан денгиз қуруқликка чиқариб ташлаган балиқ ҳақида, уни ейиш мумкин ё мумкин эмаслиги ҳақида сўрашди. “Уни еяверинглар”, дедим. Мадинага қайтганимда, у ҳақда Умар розияллоху анху сўрадим. У: “Уларга нимани буюрдинг?” деди.

Еяверишларини буюрганимни айтдим. Умар розияллоху анху: “Агар бошқача буюрганимда, сени дарра билан урардим” деди ва **“Денгиз ови”** оятини ўқиди».

Креветка (ирбиён, денгиз чувалчанги)ни истеъмол қилиш бизнинг мазҳабимизда ножоиз. Чунки ҳайвонотшунослар наздида балиқ: “Умуртқали, сувда яшайдиган, сузгичлари билан сузадиган ва ғалсама, яъни кичик тил билан нафас олувчи ҳайвондир”. Шу таърифга кўра, креветкада умуртқа суяк йўқлиги эътиборидан, у балиқ эмас. Ҳайвонотшунослик илми мутахассислари ҳайвонларни икки қисмга бўлишади: умуртқали, умуртқасиз.

Балиқлар биринчи, креветка эса, иккинчи қисм ҳайвонлари қаторига кирилади. Креветкада умуртқа суяк йўқ ва у жабра билан нафас олмайди. Юқоридаги фикҳий ва илмий фикрларга диққат билан назар солсак, креветкани ейишдан сақланиш авлодир. Саккизоёқ, калмар, қисқичбақа каби ҳайвонларни ҳам ейиш ҳанафий мазҳабида мумкин эмас. Чунки улар балиқ ҳисобланмайди. Сув ҳайвонларининг балиқдан бошқа турларида инсон саломатлигига зарар бор.

Ҳабиба БОҚИЕВА,
Имом Бухорий номидидаги Тошкент ислом институти талабаси

Таълим беришда тутган йўллари*

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам таълим бериш ва яхшиликка чақиришда Куръони карим кўрсатган йўлни тутар эдилар. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад!) **Раббингизнинг йўлига** (диниға) **ҳикмат ва гўзал мавъиза билан даъват этинг!** Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг **Ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчидир ва У Зот ҳидоят топганларни ҳам билувчи роқдир»** (Наҳл сураси, 125-оят).

Бу оятда дин йўлига чақиришнинг мукамал кўриниши ҳамда турли тоифаларга муомала қилиш услуби баён этилган. Ояти каримада кўрсатилган тўғри йўл инсон зотининг табақаларига қараб турлича бўлади. Инсонларни қуйидаги уч синфга бўлиш мумкин: хослар; оддий халқ; қайсарлар.

Ҳар бир табақанинг муайян услуб асосида таълим бериладиган ва динга чақириладиган ўз йўли бор. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам инсонларнинг ақли кўтарадиган қилиб гапирар эдилар. Сўзлари доим ўша ҳолатга тўғри келар эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ҳар бир жамоага уларга мос изоҳ келтирар, ўша тоифанинг ўз тилида сўзлар эдилар.

Аллоҳ таоло Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламга улуғворлик ва ҳайбат берган эди. Одамлар у зотнинг сўзларини муҳаббат билан эшитар, чин дилдан қабул қилар эдилар. Сўзларини эшитган кишига бошқа нарсанинг кераги йўқ эди, яъни у зотнинг сўзларини, суҳбатларини барча нарсдан устун қўйишарди.

Қози Иёз раҳимахуллох айтади: «Аллоҳ таоло Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзларига муҳаббат солди, қабул этиладиган мақбул сўз қилиб қўйди ҳамда

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

у зотга ҳайбат ва ҳаловатни жамлаб берди. Сўзларини қайта такрорлашга эҳтиёж бўлмайдиган даражада сўзлар эдилар, эшитувчига бир марта гапиришлари етарли бўлар, нутқларида бирорта сўз тушиб қолмас эди. Қадамлари собит, хужжатлари кучли эди».

Юқоридаги уч тоифага эътибор қаратсак, ҳар бир табақага нисбатан алоҳида йўл тутилиши айтилмоқда.

Биринчи тоифа: *Хослар.* Бу тоифани дин йўлига чақириш ва таълим бериш ҳикмат билан бўлади. Ҳикмат – шубҳани кетказувчи, ҳақиқатни баён қилиб берувчи далил ҳамда саҳиҳ, ишончли сўз демакдир. Хослар шубҳаларини кетказадиган очиқ-ойдин далиллар билангина қаноатланадилар. Шунда Раббиларининг йўлига ҳидоят топадилар.

Иккинчи тоифа: *Оддий халқ.* Бу тоифани дин йўлига чақириш ва уларга динни ўргатиш чиройли насихат, гўзал мавъизалар билан, қаноатлантирувчи ва фойдали ибрат билан амалга ошади. Бу услубда даъват қилувчи уларга яхшилик хоҳлаётганини, уларга фойдани мақсад қилганини билдириб қўйиши керак. Улар оддий одамлар бўлгани учун ўта ишончли ва далилли гапларга эҳтиёж сезмайдилар, чунки уларда шубҳанинг ўзи йўқ.

Учинчи тоифа: *Қайсарлар.* Бу тоифани дин йўлига чақириш ва динни ўргатиш гўзал услубда мунозара қилиш орқали бўлади. Уларга нисбатан мулойим, енгил йўлни танлаш, уларни хотиржам қилиш ва кўнгилларини эгаллаган ўжарлик ҳиссини пасайтириш учун юмшоқ гаплар билан сўз бошлаш керак. Шунда бу тоифа ҳам Аллоҳнинг тўғри йўлига юзланади.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг мусулмонларга таълимлари айрим вақтларда саҳобаларнинг саволларига жавоб бериш орқали бўлган.



Наввос ибн Самъон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрадим. У зот: **“Яхшилик – ҳусни хулқдир. Ёмонлик эса ичингда тугиб қўйган ва одамлар билиб қолишини истамаган нарсангдир”**, дедилар». Мана шу услубни аёлларга таълим беришда ҳам қўллаганлар. Аёллар у зотдан бирор нарсани сўраганларида уларга тўлиқ ва тушунарли қилиб жавоб берар эдилар.

Кўриб турибсизки, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг таълим беришдаги услублари хитоб қилиш – эшитувчига мурожаат қилиш орқали бўлар эди. Бунда эркаклар билан бир қаторда аёлларга ҳам катта эътибор қаратилган. Бу услубда жоҳилиятдаги аёллар табақасини эркаклар билан баробар тарбия қилиш, уларга одоб бериш, илмий савиясини ошириш, диний маданият билан маърифатли қилишга кўрсатма бор. Аёл киши ҳам шу маърифати билан динни етказишга ўз ҳиссасини қўшади.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг *“Икки олам сарвари”* асаридан **Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ таржимаси**

Мусулмон одоби

қилинаси. Уларнинг ҳеч бири сизга фойда бермайди.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Банда ўзи унча эътибор бермасдан Аллоҳни рози қиладиган гапни гапириб юборади. Шу сабабли Аллоҳ унинг даражасини кўтарди. Бошқа бир банда унчалик эътибор бермасдан Аллоҳнинг газабига сабаб бўладиган гапни гапириб юборади. Шу сабаб Аллоҳ уни жаҳаннамга улоқтиради!”** (Имом Бухорий ривояти).

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
“Ургут” жоме масжиди имом ноиб

Масала

Беморлик, майит ва дафнга доир фатволар

431-ФАТВО

Яқинларидан бири вафот этганлар йиғлашлари мумкин. Агар Аллоҳ таолодан нолиб йиғласалар, қаттиқ гуноҳкор бўлишади. Агар майит ортида қолганларга йиғлашни васият қилган бўлса, қабирида азобланади.

«Раддул мухтор» матни ва ҳошияси

433-ФАТВО

Жамоат намозларда биринчи сафда туриш афзал бўлса, жаноза намозидо охирги сафда туриш афзал. Зеро, бу тавозе (камтарлик) белгисидир.

«Баззозия»

435-ФАТВО

Масжидга харж қилиш учун одамлардан тўпланган маблағни масжид ходими ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб, сўнгра ўринга-ўрин ўзининг маблағидан тўлаб қўйиши жоиз эмас.

«Баззозия»

438-ФАТВО

Дафн этилган марҳум ва марҳумаларнинг руҳлари жасадлари билан уйқудаги одамнинг ўз руҳи билан бўладиган алоқасидан ҳам кучлироқдир.

«Баён лин-нос»

439-ФАТВО

Сехр-жоду Аллоҳ таолонинг хоҳишини таъсир этади, деб эътиқод қилиш кабира гуноҳлардан ҳисобланади.

«Баён лин-нос»,
«Тафсири Розий»

5-бетда

Сўз масъулияти

Али Тантовий раҳимахуллох “Зикриёт” китобида бундай ёзади: “Эллик йилдан бери адабиёт билан машғулман. Ёзаман, нашр қилдираман. Ҳатто энг ашаддий душманларим ҳам мени ёзганларим билан айблай олмайди. Шундай бўлса-да, айтаманки, адабиёт, шеър ва санъат агар инсонларнинг динига путур етказса, муруватни йўқотса, ифратни зое қилса ва обрўни тўкса, бундай адабиётга, шеърга ва санъатга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”

Шайх Тантовий минг бора ҳақ!

Биз ёзаётган ҳар бир ҳарф аслида амал саҳифаларимизга битиб борилмоқда. Хусусан, ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларимиз ҳам. Ҳар бир жумламиз учун Аллоҳнинг хузурида жавоб берамиз.

У кунда сизга: “Асарингда беҳаё саҳналарни кўпайтирсанг, унинг бозори чаққон бўлади”, дейдиган нашриётлар туриб бера олмайди.

У кунда “лайк”лар сони, “поделиться”лар адади, қарсақлар овози сизнинг жонингизга оро кирмайди. Қабрга ёлғиз ўзингиз дафн

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ФАТВОСИ

Аслиятни бузиб талқин қилаётган бидъатчи тоифалар ҳақида

Ҳижрат тушунчаси:

Ижтимоий тармоқларда юрти- миз мусулмонларини мамлакат- ни тарк этиб қонли урушлар ке- таётган ҳудудлардаги жангари гу- руҳларга қўшилишга даъват қи- лувчи ҳамда ушбу амални гўёки “ҳижрат” эканини даъво қилаёт- ган чақириклар кузатилмоқда.

Сохта даъватчилар Ислום ди- нидаги муқаддас тушунчаларни ғаразли сиёсий мақсадлар йўлида сохталаштирган ҳолда талқин қи- либ, тинч-тотув ва озод мамлакат- да, барча ибодатларни хотиржам- лик билан адо қилиб турган мусул- монларни курулли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга чақир- моқдалар. Ҳижратга даъват қила- ётганлар: “Мусулмонларнинг бар- часига ҳижрат қилиш фарз бўлди, ҳижрат қилмаган кофир бўлади”, дейиш даражасига бормоқда.

“Ҳижрат” сўзи араб тилида “ажрамоқ”, “тарк этмоқ” маънола- рини беради. Ҳижратнинг шаръ- ий маъноси эса, Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида “Куфр диёри”ни тарк этиб “Ислום диёри”га кўчиш- ни англатади.

Демак, таърифдан маълум бўл- моқдаки, шариатда катта савоб ваъда қилинган ҳижрат мақоми- га етишиш учун Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида “Куфр диёри”- дан “Ислום диёри”га кўчиш керак экан. Акс ҳолда бу шаръий ҳиж- рат бўлмайди, фарз ёки вожиблик касб қилмайди, балки оддий бир

манзилдан бошқасига яшаш учун кўчиш бўлиб қолади.

Таърифда келтирилган “Ислום диёри” ва “Куфр диёри” тушунча- ларини ҳозирги кунда нотўғри талқин қилиниши натижасида Аҳли суннат уламоларининг ҳукм- ларига зид, сохта фатволар тарқа- либ, мусулмонлар ўртасида ихти- лофлар вужудга келмоқда. Улар мусулмонлар яшайдиган юртлар- ни “Куфр диёри” деб атаб, бу юрт- лардан ҳижрат қилиш фарз бўл- ди демоқдалар.

Бугунги кунда тинч мамлакатда яшаб келаётган мусулмонларни хориждаги жангарилар ҳузурига гўёки ҳижратга чиқиши фарз амал эканини даъво қилаётганлар Нисо сурасининг 97-оятини далил қила- ди: «**Ўзига зулм қилувчи ҳолида жони олинаётганларга фаришта- лар: “Нима қилаётган эдинглар?” дерлар. Улар: “Ер юзида бечора эдик”, дерлар. “Аллоҳнинг ери кенг эди-ку, ҳижрат қилсангиз бўлмасмиди?” дерлар. Ана ўша- ларнинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой!**»

Аслида ушбу оят аввал Ислום динини қабул қилиб, Маккада яшаб келган бўлса-да, милодий 624 йилда бўлиб ўтган Бадр жан- гида маккалик мушриклар сафи- да туриб, мусулмонларга қарши жангда иштирок этган ва ўлдирил- ганлар ҳақида нозил бўлган.

Тарихдан маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам ўзларининг атрофларидаги барча саҳобалари – мусулмон- лар билан бирга Макка шаҳри- дан Мадинага кўчиб кетишлари фарз қилинган эди. Шундан сўнг қарийб саккиз йил давомида му- сулмонлар Мадинада куч-қудрат тўплаганларидан кейингина ўз- ларининг она-Ватанлари Макка шаҳрини фатҳ қилдилар. Мак- ка фатҳ қилингандан сўнг шаръ- ий ҳижрат ҳукми бекор қилинди. Чунки Маккада мусулмонларнинг эмин-эркин яшаб, дин арконла- рига амал қилишлари учун ҳам- ма имкониятлар вужудга келган эди. Шунинг учун ҳам Пайғамба- римиз соллаллоҳу алайҳи ва сал- лам ҳижрат учун байъат қиламан деб келган саҳоба Мужолид ро- зияллоҳу анҳуга: **“Макка фатҳи- дан кейин ҳижрат йўқ! Лекин Ис- лом учун байъат қабул қиламан”,** деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳозирда ҳижрат фарз, деб даъ- во қилаётганлар мазкур ҳадиси шариф ҳақида ҳеч нарса демай- дилар. Ҳолбуки, бу ҳадис мансук бўлмаган, ҳукми бекор қилинма- ган, балки унинг ўзи ҳижрат ҳук- мини бекор қилувчидир. Унинг иборалари ва мазмуни жуда аниқ ва саҳиҳ ҳадисдир!

Набий алайҳиссалом ва у зот- дан кейин Ислום диёрларини бошқарган хулафои рошидин- лар ўзга ҳудудларда яшаётган му- сулмонларни ҳеч қачон халифа- лик ҳудудига кўчиб келишларига

чақирмаган ҳамда ўз юртларида яшашларини тақиқ қилмаган.

Тобеинлардан Мужоҳид раҳи- маҳуллоҳ Абдуллоҳ ибн Умар ро- зияллоҳу анҳуга: “Мен Шомга ҳижрат қилмоқчиман”, дегани- да, у зот: **“Бугун ҳижрат йўқ. Ор- тингга қайт!”** деган (Имом Бухо- рий ривояти).

Тарихдан маълумки, хавориж- лар илк бор чиққан вақтда Бас- радан чиқиб кетиб, ўзларининг ҳарбий қароргоҳларига жойла- ша бошлаганлар. Одамларга: “Ҳи- жрат фарз. Биз билан ҳижрат қи- линглар!” деб ҳаммани шунга даъ- ват қила бошлаганлар. Одамлар буюк саҳоба Анас ибн Молик ро- зияллоҳу анҳунинг олдида келиб, улар ўзларини муҳожирлар деб аташаётганини айтади. Шунда Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу: **«Улар шайтонга ҳижрат қилганлар. Ахир, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фатҳдан кейин ҳиж- рат йўқ”, деганлар-ку!»** деди (Имом Абдулраззоқ ривояти).

Демак, Маккаи мукаррама фатҳ қилингандан кейин “До- рул Ислום” – мусулмонлар диёри- дан ҳижрат қилинмайди. Бизнинг жамиятимиз ҳам минг йиллардан бери Ислום диёри – мусулмонлар яшайдиган жамият ҳисобланади.

**Нуриддин домла
ХОЛИҚНАЗАРОВ,**

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Уламолар кенгаши раиси, муфтий

Миннатдорлик

Раббимизнинг марҳамати би- лан муборак Рамазон ойининг учинчи ўн кунлигида умра зи- ёратида бўлиш бахтига муяссар бўлдик, алҳамдулиллаҳ. Каъба- туллоҳни тавоф қилар эканмиз, минглаб мўмин-мўминаларни ўз бағрига сиғдирган мухташам Масжидул Ҳаромнинг эгаси Ал- лоҳ таолога ҳамдлар айтдик!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси зиёратчиларга ҳар то- монлама қулайликлар яратиб- ди. Зиёратчилар туну кун ибо- дат қилдилар ва об-ҳаводанми ёки бошқа сабабданми ўзларини нохуш ҳис қилганларга вақти- да тиббий хизмат кўрсатилди. Алишер Соатов бошчилигидаги

малакали шифокорлар туну кун уларнинг хизматида. Жамолид- дин Отажонов, Сирожиддин Бег- матов сингари қўли енгил, сўзи ширин шифокорлардан барча зиёратчилар хурсанд бўлди. Ҳар кунги ёши улугъ зиёратчиларнинг қон босимини ўлчайди, аҳволига қараб дори-дармон беради, ло- зим бўлганида муолажа қилиб даволашади. Мен ҳам шамоллаб қолиб, Жамолиддин Отажонов муолажалари ёрдамида тезда оёққа турдим.

Тиббиёт хонасида муола- жа учун зарур барча жиҳозлар мавжуд. Ҳеч бир дори-дармонга

зорикмайсиз. Бунинг учун таш- килотчиларимизга раҳмат.

– Даво топиш ҳам бир саодат, аслида. Соғлик бўлмаса, яйраб ибодат қилолмайсиз. Зиёратчи- ларнинг ниҳоятда кўплиги, ҳаво- нинг иссиқлиги, хонамиз ва ав- тобус салонларининг совутилга- ни таъсиридами, буйрагим оғриб қолди, – дейди зиёратчи онахон- лардан Зухрияхон Бузрукова. – Ибодатдан қайтибоқ, навбатчи шифокор Сирожиддин Бегма- товга учрашдим. Улардан зарур муолажаларни олгач, аҳволим барқарорлашди ва яна ибода- тимни давом эттирдим.

Туну кун улар зиёратчиларга бажонидил хизмат кўрсатиш- ди. Тонгда борасизми, вақт ал- ламаҳал бўлганидами, шифокор- лар ширин сўз билан қабул қи- либ, меҳр улашдилар. Ҳар бир мурожаат қилган бемор улар- нинг хизматидан мамнун. Ши- фокорларга ва ташкилотчилар- га ўз миннатдорлигимни билди- раман. Илоҳо, қўлларингиз дард кўрмасин! Халқимизнинг хизма- тида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло сизларга мадад берсин!

Зебо ОМОНОВА,

Тошкент 97-гуруҳ зиёратчиси

“Тили чучук” инсоннинг намоздаги қироати ва имомликка ўтиши

Тили чучук, яъни маълум ҳарфларни талаффуз қилолмайдиган, балки бошқа ҳарф сифатида талаффуз қиладиган киши, масалан син (син, оддий с) ҳарфини ث (чучук с) қилиб, ر (ро) ҳарфини эса ڤ, й ёки л шаклида талаффуз қиладиган киши араб тилида алсағ (الألثغ) дейилади.

Тили чучуклик деганда одатда талаффуз қилиш имкони бор, бироқ нутқдаги нуқсон туфайли шундай бўлиб қолган инсонлар назарда тутилади. Шу эътибордан, бу нуқсон барча миллатда бор.

Аммо мавзу намоздаги қироатга хос бўлгани учун араб бўлмаганларнинг бу тил фонетикасидан беҳабарлиги, тажвид қоидаларини билмаслиги туфайли айрим ҳарфларни мунтазам равишда тўғри талаффуз қила олмайдиган одамлар ҳам алсағ ҳукмида бўлади.

Мисол учун, баъзилар الرحمن الرحيم оятида ح (ҳойи ҳуттий) ҳарфини ه (ҳойи ҳавваз) қилиб الرحمن الرحيم деб ёки ط ҳарфини оддий ت қилиб (الشیطان الرجيم) сўзини الشیطان الرجيم деб ёхуд ع (айн)

رب رب العالمين чиқаролмай رب العالمين деб ўқийдилар.

Мана шундай кишилар ва тили чучук инсонларнинг ҳукми қуйидагича:

1. У тили чучуклик ёки ҳарфларни махражидан чиқара олмасликда фақат ўзига ўхшаган даражадаги одамларга имомлик қилиши жоиз.

2. Доим талаффузини тўғрилаш устида ишлаши лозим.

3 (а) Агар бирор кишига иқтидо қилиб ўқиш имкони бўлса, масалан, масжидда ёки ўз уйида ёхуд ўзганинг уйида кимдир айни намозни ўқиётган бўлса, унга иқтидо қилмай, ёлғиз ҳолда намоз ўқиши дуруст эмас.

(б) суралардан қироатга кифоя қилар миқдордагиларини тажвидга мувофиқ (ҳарфларнинг махражи қийин бўлмаган сура ёки оятларни) ёдлаган бўлса, у ҳолда ўзгага иқтидо қилмаса ёки тилини тўғрилаш учун ортиқча уринмаса ҳам бўлаверади. Масалан, Фотиҳа ва Ихлос сурасининг талаффузида тили қийналмаса, умр бўйи шу сураларни намозда

қироат қилиши дуруст. Ўзгага иқтидо қилиши шарт эмас. Бироқ талаффузини тўғрилаш устида ишлаб, ҳаркатда давом этиши нур устига нурдир.

4. Алсағ ва унинг ҳукмида бўлган кишининг иқтидо қилиш имкони бўлмаса, масалан, уйда ё бошқа жойда бир ўзи бўлса ёки масжидга бориб-келиш машаққат туғдирса, ўзи ёлғиз намоз ўқиши жоиз. Аммо шу шарт биланки, доим ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш ва ўрганиш ҳаракатида бўлсин. Таҳорат олиш, либосни поклаш, руку ва сажда қилишдан ожиз кишининг намози дуруст бўлгани каби тўғри қироат қилишдан ожиз инсоннинг ҳам намози ўзи учун дуруст бўлаверади. Бироқ имкон қадар талаффузини тўғрилаш ҳаракатида бўлиши лозим.

5. Агар тили чучуклик кучли бўлмаса, яъни бирор ҳарфни тиниқ чиқаролмаса-да, эшитилганда қайси ҳарфлиги билинадиган даражада бўлса, қироати дуруст бўлади, валлоҳу аълам.

Алишер СУЛТОНХОДЖАЕВ
islom.uz

Ибрат



Ўзи буюрганидек яшасак кифоя. Қуръони каримда марҳамат қилинади: «**Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир**» (Талоқ сураси, 2–3-оятлар).

Руҳиддин АКБАРОВ,
ЎМининг Қашқадарё
вилоятидаги вакилиги ходими

Ризқи тимсоҳнинг тишлари орасида...

Ризқ эгаси Аллоҳ таолодир. Қуръони каримда марҳамат қилинади: «**Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва тор қилур. Ҳар бир инфоқ қилган нарсангизнинг ўрнини У Зот тўлдирур. У Зот ризқ берувчиларнинг яхшисидир**» (Сабаъ сураси, 39-оят).

Аллоҳ таоло ризқни биз кутган ва кутмаган жойдан етказди. Агар дунёдаги жонзотларга ризқ улашилишини кузатсак, ибратли ҳолатларга гувоҳ бўламиз.

Денгизларда яшайдиган тимсоҳларга тишлари орасига гўшт

кириб қолиб оғриқ беради ва оғриқдан оғизларини катта очадилар. Шунда бир тоифа қушлар тимсоҳнинг оғзига кириб, тишлари орасидаги гўшларни териб ейишади. Аллоҳ таоло тимсоҳга тиш оғриғи бериб, қушларга ризқ улашади. Қушларга ризқ улашиши билан эса тимсоҳларни дарддан халос этади. Мана шундай ажойиб тарзда Аллоҳ ризқ ва дардга шифо йўллари очади.

Кўпинча ризқ ташвишида беҳуда ўйлар сурамиз, турли режалар тузамиз. Аллоҳ эса бизга уни ўйламаган жойимиздан етказди.

Бир куни профессор дарсга қўлида қути ва сичқон билан кириб келди. Кейин сичқонни қутига солди ва чиқиб кетди. Уч кундан кейин талабалари билан бирга қутини очганида сичқоннинг ўлиб ётганини кўрди. Қутининг эса ҳар ерини сичқон кемирган эди. Профессор талабаларидан сўради:
– Сичқон нима сабабдан ўлди?

Беқарорлик ўлдиради

Талабалар ўз фикрларини билдиришди:

- Ҳаво йўқлигидан!
- Очликдан!
- Сувсизликдан!
- Топа олмадингиз, – деди профессор, – бу сичқон беқарорликдан ўлди. Қаранг, – тушунтиришга киришди у, – сичқон қутидан чиқиш учун бир жойни кемира бошлабди. Кейин эса

умидини узиб, бошқа тарафни кемиришга киришибди. Бир неча жойни кемира-кемира кучини сарфлаб ўлибди. Агар сичқон қутидан чиқиш учун кучини фақат бир жойни кемиришга сарфлаганида қутулиб кетган бўларди, деди ва доскага шу сўзларни ёзди: “Беқарорлик ўлдиради”.

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Масала

3-бетда

440-ФАТВО

Дуохон ёки азоимхон беморга ёки бошига бирор ташвиш тушган кишига оятлардан ўқиб, дам солса, ҳадисларда келган дуолардан ўқиб, шифо тиласа, жоиз. Аммо куйро-на сўзлар, маъносиз тўқима дуолар ўқиб дам солиш тақиқланади.

Ибн Ҳажар Асқалоний сўзига кўра, уламолар ижмо қилганларки, дам солишнинг уч шarti бор: 1. Аллоҳнинг каломидан, исм ва сифатларидан ўқиш; 2. Араб тилида ёки бошқа тилда бўлса ҳам, маъноси шаръий бўлиши; 3. Дуо ва дам солиш фақат Аллоҳ таолонинг изни билан таъсир қилди, деб эътиқод қилиш.

«Баён лин-нос»

443-ФАТВО

Хатми Қуръон, худойи ёки эҳсон номи билан қори ва муллаларни уйига таклиф этиб, амри маъруф, наҳйи мункар, тиловат қилинган, қори ва муллаларга пул ёки бошқа нарсаларни олиш жоизми, деган масалада мутааххирин уламолар, жумладан, Имом Сараҳсий, Мавлоно Абдулҳай раҳимаҳумаллоҳ: “Агар олдиндан келишилган бўлса, жоиз эмас. Аммо ҳеч қандай шартсиз, мезбон ўзи кўнглидан чиқариб, ҳадя тариқасида берса, жоиз”, деб фатво беришган.

«Айнул илм», «Комилия»

444-ФАТВО

Дафн этилган майит шаръий узр билан очилиб, майит бошқа жойга дафн этилиши мумкин. Масалан, рухсатсиз бировнинг ерига дафн этилган ва ер эгаси норози бўлганда; қабр сув остида қолганида; ғайридинлар юртига дафн этилганда.

Ҳанафий мазҳабида бўлган Малика Шоҳсувор (охирги Усманий халифа Султон Абдулмажид II нинг аёли) Франция қабристонидан кўчирилиб, Мисрга дафн этилгани тарихдан маълум.

«Дорул ифто», Миср, «Саҳиҳи Бухорий», «Оламгирия»

7-бетда

Дангасалик хайр-баракани кетказди

Дангасалик лоқайдлик, эътиборсизликнинг сабабчисидир. Афсус, бугунги кунда одамлар орасида енгил-елпи ҳаётга мойиллик кучаймоқда.

Танбалликни келтириб чиқарадиган омиллардан бири ожизликдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Кучли мўмин кучсиз мўминдан яхшироқдир ва Аллоҳга маҳбуброқдир, лекин ҳар иккисидан ҳам яхшилик бор. Сенга**

фойдали бўлган ишларга ҳарис бўлгин ва (ишингда) Аллоҳдан ёрдам сўрагин, лекин ҳаргиз ожизланмагин!” (Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом мўминларни фойда ва манфаат келтирадиган ишларда Аллоҳдан мадад сўраган ҳолда ғайратли ва пешқадам бўлишга чақирганлар, ожизланиш ва иккиланиш, журъатсизликдан қайтарганлар.

Кўп уйку, кўп ейиш ҳам ялқовлик сабабчиси ҳисобланади. Чунки кўп ухлайдиган одамнинг баданлари бўшашиб, камҳаракат бўлиб қолади, ғафлат ва роҳатга берилади. Вақтини зое кетказиб, кўплаб фойдали ишларни ўтказиб юборади. Ибн Қайюм айтади: “Кўп ухлаш қалбни ўлдиради, жасадни ишдан чиқаради, вақтни зое қилади ҳамда ғафлат билан дангасаликни чақиради” (Мадорижус соликин).

Умр хайрли амалларни бажариш имконидир. Унинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган ҳолда, яқинларимизга ва бегоналарга яхшиликлар қилсак, савобли ишларга ҳарисманд бўлсак, дунёмиз ва охирагимизга манфаатли бўлган амаллар соҳибига айланамиз.

Толибжон СУЯРОВ,
“Мулло Абдужалил Қуҳий”
масжиди имом-хатиби

Ҳикматлар хазинаси

Аллоҳ таолонинг дўстларининг вақтлари баракали бўлади, деган гап жуда машҳур, балки мушоҳад ҳамдир, яъни кўз билан ҳам кўрилгандир. Улар қисқа вақт ичида катта-катта ишларни қилиб юбордилар. Имом Ғаззали раҳимаҳуллоҳнинг мукаммал умрлари у кишининг ёзган асарларининг ҳисоби билан тақсимланганида, бир кунга ўн олти жуз китоб(!) тўғри келган. Буни ҳеч қандайга тушуниб бўлмайди. Имом

Вақтдаги барака

Абдулваҳҳоб Шаъроний раҳимаҳуллоҳ “ал-Явақийт вал-жаваҳир”да ёзади: “Бу китобнинг уч юзта боби бўлиб, ҳар бир бобни ёзишда мен Шайх Ибн Арабийнинг “ал-Футуҳот”ини мукаммал ўқиб чиқдим”. “Ал-Футуҳот” эса бир неча минг саҳифадир. Демак, у “ал-Явақийт вал-жаваҳир”ни ёзишда “ал-Футуҳот”ни уч юз маротаба ўқиб чиққан. Шу билан

бирга у: “Ал-Явақийт вал-жаваҳир”ни мен ўттиз кун ичида ёздим”, дейди. Бинобарин, имом Шаъроний икки минг саҳифадан кам бўлмаган “ал-Футуҳот”ни бир кунда ўн мартадан ўқиган экан. Солиҳ олимлар ҳамда улуғларнинг бундай воқеалари жуда ҳам маъруф ва машҳурдир. Шу ўринда “Вақт шу қадар унумли бўлиши мумкинми?” деган савол пайдо бўлади.

Ҳолбуки, бирор кишининг соати олтимиш дақиқадан, бир кеча-кундузи эса йигирма тўрт соатдан ошмайди. Хужжатул Ислоҳ, ҳазрат, мавлоно Муҳаммад Қосим Нонутавий раҳимаҳуллоҳнинг бу ҳақдаги таҳқиқлари шуки, вақтнинг ўзига хос узунлиги бўлади. Буни ҳамма билади. Соат ва дақиқалар ана шу узунликнинг номидир. Шу каби вақтнинг эни ва кенглиги ҳам бўладики, буни омма билмайди. Аллоҳ таолонинг дўстлари вақтнинг ана шу эни ва кенглигида улкан ишларни амалга оширадилар.

Гуноҳдан сақланишнинг энг яхши йўли

Аллоҳ таоло бандаларнинг ислоҳи учун икки оят нозил қилган. Одамзод ана шу икки оятни кўз ўнгида тутса, гуноҳ қилишга журъат қилолмайди.

У икки оятни англаган қалбда Аллоҳ таолонинг азамати ва ҳайбатидан қўрқиб, гуноҳ қилолмайди.

Улардан биринчиси бу оятдир: **«Сизлар қаерда бўлсангиз, У сизлар билан биргадир»** (Ҳадид сураси, 4-оят).

Дунёда Аллоҳ таоло сиз билан бўлмайдиган бирор жой йўқ.

Иккинчи оят будир: **«Албатта, Аллоҳ (унинг бу қилмишларини) кўриб туришини билмаганмиди?!»** (Алақ сураси, 14-оят). Ахир бошқаларга кўрадиган кўзларни берган Зот Ўзи кўролмайди?! Имдодуллоҳ Маккий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Ҳар бир сўфий, балки ҳар бир мўмин кунда бир-икки дақиқа “Аллоҳ бизни кўриб турибди”, деб муроқабани қилиши лозим. Бир неча дақиқали бу муроқабани йигирма тўрт соатгача фойда беради. Қулоғи бураладиган соатни ҳам ярим

дақиқа бурайсиз, холос. Лекин у йигирма тўрт соат юраверади. Шунинг учун ҳар куни бир неча дақиқа кўзингизни юмиб, Аллоҳ таоло сизни кўриб турганини ёд этсангиз, Уни йигирма тўрт соат унутмайсиз. Кунда машқ қилавериш натижасида бу тасаввур қалбга ўрнашиб қолса, гуноҳ қилишга умуман журъат қолмайди.

Дейлик, ўрмонда қаршингиздан бир қонхўр шер чиқиб қолди. Нарироқда эса дунёнинг энг гўзал аёли сизни ўзига қарашга даъват қилиб турибди. Шу

ҳолда бирор киши унга қарайдими? Унда гуноҳ қилиш учун қувват бор, лекин ўша қувватни ишлатишга тоқат бўлмайди. Шер Аллоҳ таолонинг кичик бир махлуқи, холос. Шернинг ҳайбати шунчалик бўлгач, қалбида шерни яратган Зот мени кўриб турибди деган тасаввурда бўлган киши қандай гуноҳ қила олади?!

“Инъомоти Раббоний”,
“Мажолис ҳақимул умма” асаридан
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси

“Худо хоҳласа, яхшиликка!”

Бир подшоҳнинг вазири бўлиб, у ҳар бир ишда Аллоҳга таваккул қилар, қандай ҳодиса содир бўлса ҳам, “Худо хоҳласа, яхшиликка”, дер эди.

Кунларнинг бирида подшоҳ бармоғини кесиб олди. Табиийки, қон оқди. Вазир буни кўриб: “Худо хоҳласа, яхшиликка”, деди. Вазирнинг сўзидан ғазабланган подшоҳ: “Кўлим кесилиб қон оқса-ю, қанақасига яхшиликка?” деди-да, соқчиларига: “Вазирни зиндонга ташланг”, деб буйруқ берди. Вазир эса одатдагидек: “Худо хоҳласа, яхшиликка”, деганча зиндонга қараб йўл олди.

Подшоҳнинг ҳар жума ўрмонга ов қилгани чиқадиган одати бор

эди. Одатига кўра, жума куни овга чиқди ва бир ҳайвоннинг ортидан қувиб кетаркан, навкарларидан ажралиб, ўрмонда адашиб қолди. Ўрмонда эса бутга ибодат қиладиган қабила бўлиб, ўша куни уларнинг қурбонлик қиладиган куни экан. Шу сабаб, қабила сардори қўл остидагиларга учраган биринчи ўлжани қурбонлик учун келтиришларини ҳамда унинг шикастланган, нуқсонли жойи бўлмастлигини тайинлаганди.

Тасодифни қаранг, подшоҳ уларнинг қўлига тушиб қолди. Қурбонлик майдонига келтириб қарашга, подшоҳнинг бир бармоғи

кесилган. “Бармоғи кесилгани қурбонлик қилиб бўлмайди”, дея қабила сардори подшоҳни қўйиб юборди. Подшоҳ саройга келиши билан вазирни зиндондан озод қилди.

Подшоҳ уэр сўраб: “Бармоғимнинг кесилгани сен айтгандай яхшиликка бўлди. Бироқ сени зиндонга ташлашни буюрган вақтимда ҳам “Худо хоҳласа, яхшиликка” деган гапининг маъноси нима эди?” дея сўради.

Вазир: “Мен вазирингизман, сиз билан доим биргаман, агар мени зиндонга ташламаганингизда, сиз билан доимгидек ўрмонга

борган бўлардим ва улар бизни тугатиб олгач ҳеч қаерим кесилмаганини кўриб, мени қурбонликка танлашар эди. Шунинг учун зиндондан бўлишим мен учун яхшиликка бўлди”, дея жавоб берди.

Қиссадан ҳисса, Аллоҳнинг ҳар бир ишида ҳикмат, яхшилик бор. Биз ҳаётимизда учраётган ҳодисалардан доимо яхшилик умид қилиб яшашга одатлансак, барча муаммоларимизга хайрли ечим топган бўламиз, иншоаллоҳ.

Жалолиддин МАМАТҚУЛОВ,
Учқўприк тумани “Шоҳ Муқаддам”
масжиди имом-хатиби

Ғор оғзидаги ўргимчак уяси

Мадина ҳижрати асносида изкуварлар Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан Абу Бакр розияллоху анхуни қидириб, Маккани остин-устин қилиб ташлашади, ҳатто Савр тоғига ҳам чиқишади. Лекин уларни топа олишмайди. Савол: душманлар нима учун уларни топишолмаган?

Бу ҳақда уч хил ривоят бор. Келинг, уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқайлик:

1) “Изкуварлар у тоғда ғор борлигини билишмаган” (*Муттафақун алайх*).

Савр – катта тоғ. Аммо унинг тепасида Ҳиро ғорига ўхшаш қавланган ёки табиий суратда пайдо бўлган ғор бўлмаган. Балки “Савр ғори” деб аталадиган жой ўша пайтда харсанг тошларнинг бир-бирига суяниши натижасида икки-уч киши сиғадиган ғорча, яъни ўра, ғовак бўлган. Ғор оғзи ҳам тор бўлиб, пастда жойлашган эди (“*Фатхул Борий*”, “*Тафсири Жаллолайн*”, “*Тафсири Насафий*”, “*Софватут тафосир*”).

Демак, “Савр ғори” изкуварлар эътибор берадиган даражада кўзга кўринарли бўлмаган.

Абу Бакр розияллоху анху айтади: “Мен (Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга) ғордалигимда, у зотга: “Агар у (изкувар)лардан биронтаси оёғи остига қараса, бизни кўриб қолади”, дедим (у зотдан хавотирланиб). У зот: “Абу Бакр, гапирмай туринг (тинчланинг). Учинчиси



(ҳимоячиси) Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима деб ўйлайсиз (яъни Аллоҳ биз билан экан, ким ҳам бизга зарар етказа оларди)?!” дедилар” (*Муттафақун алайх*).

Хулоса: мазкур биринчи ривоят саҳиҳдир.

2) “Ғор оғзида ўргимчак уяси кўриб: “Агар Муҳаммад бу ерга кирганида, ўргимчак уяси бузилган бўларди”, деб ғор ичига қарашмаган” (*Имом Аҳмад, Баззор, Табароний, Байҳақий, Хатиб Бағдодий, Ибн Исҳоқ, Ибн Саъд, Ибн Асокир, Имом Табарий, Абдураззоқ Санъоний, Абу Бакр Марвазий, Абу Нуайм Асбаҳоний ва Абул Қосим Асбаҳоний ривоятлари. Санади заиф*).

Баъзи олимлар бу “ўргимчак” ривояти Тавба сурасининг 40-оятдаги “**Ва (Аллоҳ) у зотни сизлар кўрмаган лашкарлар билан қўллаб-қувватлади**”, жумласига тўғри келмайди деб, “мункар” ҳукмини беришган. Чунки ояти каримада Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам кўзга кўринмайдиган лашкарлар, яъни фаришталар билан қўллаб-қувватланганлари айтилган. Ривоятда эса, ўргимчак тўри билан дейилган, ҳолбуки, ўргимчак ва унинг тўри кўзга кўринадиган нарсалардир.

Хулоса: бу иккинчи ривоят ихтилоfli масаладир. Жумхурула молар наздида “заиф”, баъзи олимлар наздида “мункар”дир. Лекин Ибн Касир ва Ибн Ҳажар Асқалоний “ҳасан” дейишган (“*Ал-бидая ван-нихоя*”, “*Фатхул Борий*”).

3) “Мушриклар ғор оғзида бир жуфт ёввойи кабутар ин қуриб ётганини ва уларнинг учиб кетмаганини кўриб, излаётган кишилари бу ерда эмас, деган фикрда қайтиб кетишган”.

Бу ривоятнинг санадида Авн ибн Амр бор. Имом Бухорий у ҳақда “мункарул ҳадис ва мажхул”, деган. Яҳё ибн Маъин “ишончли эмас”, деган.

Яна санаддаги Абу Мусъаб мажхул (номаълум шахс)дир. Утай ибн Маждийнинг ҳадиси мункардир. Ибн Сулаймон Масмулий эса, ёлғончидир («*Зуъафоул Уқайлий*», «*Насбул-роя ли-аҳадийсил Ҳидоя*»).

Ҳайсамий: “Санадида мен билмайдиган, танимайдиган жамоа бор”, деган (“*Мажмаъуз завоид*”).

Ибн Касир: “Бу ривоят жуда ғарибдир”, деган (“*Ал-бидая ван-нихоя*”).

Хулоса: бу учинчи ривоят собит эмас, ишончсиз, ҳужжатга ярамайди.

Абдул Азим ЗИЁУДДИН,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти катта
ўқитувчиси, сийрат фани устози

Муборак қадамжолар

Тутак ота зиёратгоҳи

“Юрган – дарё”, “Саёҳат – роҳат” деб бежиз айтишмаган. Саёҳат инсон қалбига роҳат бахш этиб, кайфиятини кўтаради.

Ўтган йили ёз ўртасида китоблик бир гуруҳ нурунийлар Яккабоғ туманидаги Тутак ота зиёратгоҳига йўл олди. Биз минган “Дамас” машинаси катта йўлдан жануб томонга бурилди. Анча йўл босиб, тоғ этагига яқинлашдик.

Чўққига бир оз қолганида машинамиз тўхтаб қолди. Бир амаллаб итариб текисликка чиқариб олдик. Тоғ ортига ўтишимиз билан дала-дашт ўртасида ям-яшил дарахтзорни кўриб ҳайратландик. Қишлоққа киришда чап томондаги дарвоза пештоқида “Тутак ота зиёратгоҳи” деган ёзувга кўзимиз тушди.

Зиёратгоҳ гавжум. Дарвозадан киришимиз билан қалин дарахтзор ўзининг салқин ва баҳаволиги билан танга роҳат бағишлади.

Бизни Тутак ота қурдирган масжидга олиб боришди. Масжид пештоқида “Шайх Шоди Вали бобо” деб ёзилган. Шайх Шоди Вали бобо қабрини зиёрат этиб, Қуръон тиловат қилдик.

Қишлоқ оқсоқоли, кекса муаллим Мусурмон бобо Раҳимов ушбу зот ҳақидаги халқ ҳикояларидан сўзлаб берди:

– Тутак отанинг асл исми Шайх Шоди Вали бобо бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд издошларидан ҳисобланади. У зот Бухородан келиб қолиб, бир бойнинг қўйларини боқади. Бой унга меҳнати эвазига кунига битта нон беради.

Кунларнинг бирида бой чўпондан шубҳаланиб яйловга боради. Не кўз билан қараса, қўйларни бўрилар боқиб юрган эмиш. Капалаги учган бой чўпонни излайди. Чўпон эса чиллаҳонада тоат-ибодат билан машғул экан. Бой Шоди бобонинг авлиё зот

эканини сезиб, унга ҳурмат-иззат кўрсатади.

Шайх Шоди Вали бобонинг валилиги ён-атрофга тарқалади. Амир Темур қирқ навқари билан Вали бобони синаш мақсадида йўлга чиқади. Бу иш шайхга аён бўлади. Амир Темурни қишлоққа яқинлашганда бир тепалик устида бўрилар галаси қарши олади. Сарқарда уларга: “Йўл беринглар, биз Шайх Шоди Вали бобони зиёрат қилгани келямиз”, дейди. Бўрилар икки томонга ажралиб, йўл очади. Бироз юргач, саф тортган навқарларга дуч келишади. Амир Темур: “Биз Шайх Шоди Вали бобони зиёрат қилгани келямиз”, дегач, навқарлар ҳам йўл беришади. Бу Шайх Шоди Вали бобонинг қароматлари эди.

Шайх Шоди Вали бобо Амир Темурни яхши кутиб олади ва масжиднинг кичкина ҳужрасига таклиф қилади. Кичик ҳужрага

Масала

5-бетда

446-ФАТВО

Тирик инсоннинг бирор аъзосини шу аъзога муҳтож беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тиббий амалиёт билан кўчириб ўтказиш жоиз. Лекин шу шарт биланки, аъзо берувчининг ҳаётига зарар етмаса, мажбуран эмас, ихтиёрий равишда берса, ундан бошқа муолажа мумкин бўлмаса ва амалиёт ҳар икки томон учун муваффақиятли чиқиши аниқ бўлса.

Ислом фиқҳи академияси
йигилишининг қарори.

Макка, 1985

447-ФАТВО

Ўлган инсоннинг бирор аъзосини унга муҳтож беморга ҳаётини сақлаб қолиш учун тиббий амалиёт билан кўчириб ўтказиш жоиз.

Ислом фиқҳи академияси
йигилишининг қарори.

Макка, 1985

448-ФАТВО

Тирик инсон организмнинг бирор қисмини ўзининг бошқа бир жойига кўчириб олиб ўтказиш зарурат юзасидан жоиз. Масалан, териси, суягидан олиб бошқа жойига улаш, ямаш мумкин.

Ислом фиқҳи академияси
мажлисининг қарори.

Макка, 1985

449-ФАТВО

Беморнинг жисмоний соғлигини тиклаш мақсадида сунъий суяклар ўрнатиш, юрак, ўпка, жигар каби ички аъзоларга тутқичлар ясаб қўйдириш жоиз.

Ислом фиқҳи академияси
мажлисининг қарори.

Макка, 1985

“Минг бир фатво” китобидан

қирқ киши бемалол ўтириб жойлашади. Шайхнинг хизматкорлари қаҳратон қиш бўлишига қармай, уларнинг олдига лаганда янги узилган узум ва тут меваларини қўйишади. Амир Темур бу ҳолни кўриб, Шайх Шоди Вали бобонинг қароматларига тан беради.

Мусурмон домланинг ҳикоясини тинглаб, Тутак ота ҳақида қизиқ маълумотларни билиб олдик. Қайтар чоғимизда оқсоқол бизга Шайх Шоди Вали бобонинг қўллари теккан турли тошларни, яъни эгар тош, туз тош ва кўтариб кўрадиган тошларни кўрсатди. Ажиб таассуротлар билан ортга қайтдик.

Қувват БОЙҚОБИЛОВ,
Яккабоғ тумани

Бир келиб-кетинг қишлоғимизга...

Она қишлоғим Олакўйлик баҳаво, хушманзара ва обод маскан. Саришталик, тоза-озодалик унинг ҳар бир гўшасида кўзга ташланади. Қишлоқдошларимиз тартибни, озодаликни, ободликни севади. Худудимизда боғу роғлар, гулзорлар, ишқом арқлар, сўри-супалар кўп. “Ғойиб ота” қабристонини деворларига зарҳал ҳарфлар билан оят ва ҳадислар битилган. Мусофирлар учун ётоқхона, кичик артезиан кудуғи мавжуд. Қабр қазиш пайтида тепалиқдан топилган турли сопол идишлар, сопол

кувурлар ва бошқа осори-атиқалар алоҳида хонада сақланмоқда. Мактаб ўқувчилари учун ўлкашунослик музейининг айнаи ўзи.

Уч йил олдин қурилган “Олакўйлик” жоме масжиди барча талабларга жавоб беради. 50 ўринли таҳоратхона, мусофирхона, кутубхона, гардероб хонаси – намозхонлар учун қулайлик яратган. Масжиднинг ўзида 400 нафар ва ҳовлисида 800 нафар намозхон сиғими мавжуд. Энг муҳими, масжидимизда соғлом муҳит, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат

ўрнида. Шу боис намозхонлар сафи кун сайин кенгайиб-ёшариб бормоқда.

Замонавий мактаб, болалар боғчалари, стадион, 3 та кичик ўйингоҳ, стол теннис, спорт-соғломлаштириш маскани, стоматология, 3 та қассобхона, 2 та дорихона, 3 та кафе, токарлик-пайвандлаш хонаси, маданият уйи, тўйхона, 3 та супермаркет ва 3 та мини маркет, 3 та хўжалик дўкони, сартарошхоналар, почта ва ҳоказолар қишлоғимиз аҳлига хизмат қилиб келмоқда. Бу ердан

кўплаб ижодкор ва олимлар етишиб чиққан.

Юз билан юзлашаётган кексаларимиз – Абдували бобо, Жўракул бобо, Эргаш бобо, Қурбон бобо, Ҳаким бобо, Мунаввар буви, Рўзихол буви, Фаина аяларнинг ҳаёт йўллари барчаимизга ибрат. Уларнинг дуолари, панд-насиҳатлари ёшларимизни яхшиликка, диёнатга, ҳақгўйликка ўргатмоқда.

Ражаб ИБРОҲИМОВ,
Китоб тумани

Биласизми?

Хурмо ниҳоятда мазали, ширин ва фойдали мевадир. У тағам (туршак) ҳолига келгунча уч босқичдан ўтади. Биринчи, хом ва ғўра босқичида балаҳ деб аталади. Бунда меванинг ранги сарғиш, устки қавати эса қаттиқ ва қарсилдоқ, мазаси бироз тахир ва оғизни қамаштирувчи бўлади. Кейин сарҳил ва сувли бўлиб пишган ҳолати рутоб дейилади. Ундан кейин қуритилиб, экспорт қилинадиган шакли тағам деб аталади.

Қуритилган хурмо ейилгандан сўнг тезда глюкозага айланиб, тагнага қувват бағишлайди. Истеъмол қилинган бир дона хурмонинг ярим соат ичида инсон ақлий қобилиятини ошириб, қувватини тиклаши олимлар томонидан тасдиқланган.

Унда озукавий толалар миқдори юқорилиги учун ҳам қоринни тўқ туттади. Шу боис ҳам диетологлар хурмо парҳезини тавсия қилдилар. Бунда асосан, хурмо ва сув билан озикланиш кўзда тутилади.

Ҳар куни умумий миқдорда беш-олтита хурмо еб юриш инсон жисмига ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, ошқозон-ичак тракти яхшиланади. Юрак-қон томир хасталиклари ҳамда альтигеймер хасталигига чалиниш хавфини камайтиради, жинсий қувватни оширади. Қабзият ва исҳолдан азият чекувчиларга ҳам хурмо тавсия қилинади. У озғинликдан азият чекувчиларга ҳам фойдалидир.

Хурмоларнинг энг олий навлиси ажвадир. Ҳадиси шарифда ҳам айнан ажва хурмоси зикр қилинган.

Хурмонинг фойдали хусусиятлари ва айрим навлари

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким (оч қоринга) эрталаб ажвадан етти дона еса, ўша куни унга заҳар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ажва – бу хурмо ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўп ривоятлар ворид бўлган. Омир ибн Саъд розияллоҳу анху отасидан ривоят қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким эрталаб (оч қоринга) ажвадан етти дона еса, ўша куни унга заҳар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шахсан ўзлари муборак қўллари билан Мадинада ажва хурмосини экканлар. Ажва нави мевасининг ранги тўқ жигарранг, деярли қора. Ажва бошқа навларга нисбатан кичикроқ, пўсти қаттиқроқ бўлса-да, меванинг инсон саломатлиги учун фойдали хусусиятлари жуда кўп.

Суккари – хурмонинг энг яхши навларидан бири. Меваси чўзинчоқ, ўртаси қавариқ, ранги сариқ, таъми жуда ширин. Эштиборлиси, ушбу нав барча босқичда – энди етилганида ҳам, пишиб ўтиб кетган пайтида ҳам, қуритилган ҳолда ҳам мазали. Узоқ сақлашнинг энг яхши усули – музлатиб қўйиш.

Аҳамиятлиси, суккари нави меваси қуритилган ҳолда ҳам юмшоқлигини сақлаб қолади.

Бархи – ширин таъми ва ёрқин сариқ ранги билан машҳур. Шакли ўзимизнинг лўлаболишга ўхшайди: калта шарсимон цилиндр кўринишида. Анча серҳосил нав. Битта дарахт яхши парваришланса, мавсум давомида ўртача 110–120 кило мева бера олади.

Халас – ҳамёнбоп навлардан бири. Меваси ўртача катталиқда. Пишиб етилиши арафасидатиқ сариқ рангда, тўлиқ пишганда тилларанг-қизғиш тусда бўлади. Пўстлоғи ярим шаффоф. Мевасидан бир қанча ширинлик ва таом тайёрланади. Пишиб етилишининг барча босқичида истеъмол қилинади.

Анбара – хурмонинг нисбатан йирик мевали (диаметри 2,5–3 см. га етади), юмшоқ нави. Чўзиқроқ шаклга эга, ранги қизил бўлади. Мадина ва унинг атрофида етиштириладиган, тақчил навлардан бири.

Доғлатун-нур – ноёб навлардан бири. Ярим қуритилган ҳолда истеъмол қилинади. Мевалари ўртача катталиқда, баъзан йирик бўлади. Шакли бироз чўзинчоқ, тухумсимон. Ранги

хилма-хил: пушти, олов тусли, қизил, оч жигарранг. Пальмаси жуда серҳосил. Йилига бир дарахтдан 120 кило ва ундан ортиқ хурмо олинади.

Мажҳул – ушбу нав Мароқашдан тарқалган. Қора хурмонинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Меваси ўртача катталиқда, аммо жуда тўйимли. Таъми ирис конфетлари мазасига ўхшайди.

Сафавий – Мадинаи мунавварада етиштириладиган энг яхши навлардан бири. Мевалари йирик, “гўшт”ли, нисбатан узун. Қизғиш-жигарранг тусда. Ширинлиги ўртача. Баъзилар уни сақич қилиб чайнашни хуш кўришади. Таъми ажванинг мазасига ўхшайди. Лекин арзонроқ.

Кабкаб – асосан, Эронда етиштириладиган юмшоқ навли хурмо. Нисбатан йирик меваларнинг оғирлиги 15 граммгача етади. Ранги сарғиш-жигарранг. Данаги жуда кичик. Таъми асалникига ўхшагани боис уни “асалли хурмо” деб ҳам аташади. Мазкур хурмони музлаткичда бир ярим йил, хона ҳароратида ярим йил сақлаш мумкин.

Маҳмуд МАҲКАМ
@Abdul_Azim_Ziyouddin

<p>Muassis: O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU</p> <p>Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV</p> <p>Шамол Нури</p> <p>Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM</p>	<p>Tahrir hay'ati:</p> <p>Nuriddin XOLIQNAZAROV Sodiq TOSHBOYEV Homidjon ISHMATBEKOV Shayx Abdulaziz MANSUR Jaloliddin XAMROQULOV Obidjon QODIROV Uyg'un G'OFUROV Muhammadsharif JUMAN Xolmat ATABAYEV Komiljon BURXONOV</p> <p>Tolibjon NIZOMOV Hikmatulloh TOSHEMIROV Azizbek XOLNAZAROV</p> <p>Jamoatchilik kengashi Alisher ESHIMOV Islomiddin ZUHRIDDINOV Rustam JAMILOV Muzaffar KAMOLOV</p>	<p>Toshkent—100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy. (71) 227-34-30 (71) 240-05-19. m-nashr@mail.ru www.hidoyat.uz</p> <p>Nashr ko'rsatkichi: 195 ISSN 2091-5225 2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>	<p>Navbatchi muharrir: Azizbek XOLNAZAROV Musahhiha: Zebo OMONOVA Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV Ekspertizaga berildi: 05.05.2023 Xulosa (№03-07/3512) olindi: 15.05.2023 "SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.</p>	<p>Adadi: 13.670 227/9-buyurtma. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.</p>	<p>Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг! The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places! في الجريدة آيات واحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب! Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!</p>
--	--	---	---	--	---